Методик қўлланма

Таълим сифатини

оширишда инновацион кутубхоналарнинг аҳамияти





ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ,
ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ТАДҚИҚОТЛАРИ МАРКАЗИ

ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШДА ИННОВАЦИОН КУТУБХОНАЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Методик қўлланма



ТОШКЕНТ
“YETAKCHI NASHRIYOTI”
2024

УЎК: 027.7:004(072)(075)
КБК: 78.30я7
Қ – 99
Қосимов, Муталлиб
Таълим сифатини оширишда инновацион кутубхоналарнинг аҳамияти [Матн]: методик қўлланма / М.Қосимов, А.Эшмуродов. – Т.: “Yetakchi nashriyoti”, 2024 й. – 32 б.

ISBN 978-9910-9632-2-3

Мазкур методик қўлланмада олий таълим муассасалари ахборот-ресурс марказлари фаолиятида инновацион технологияларнинг ўрни, хорижий давлатлар олий таълим муассасалари ахборот-ресурс марказларида фойдаланувчилар учун яратилган шарт-шароитлар, автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизимлари ва RFID технологияларининг имкониятлари, шунингдек, давлат олий таълим муассасалари ахборот-ресурс марказларини автоматлаштириш жараёнларининг таҳлили баён қилинган.

Мазкур қўлланмадан олий таълим муассасалари раҳбар ходимлари, ахборот-ресурс марказлари масъуллари, шунингдек, профессор-ўқитувчилар, талабалар, докторантлар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Таҳрир ҳайъати:
Ш.Якубов, И.Зокиров, А.Амонов, Т.Ахмедов,
М.Хайитов, С.Мусамедов, А.Сабриев

УЎК: 027.7:004(072)(075)
КБК: 78.30я7

Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2023 йил 25 сентябрдаги 5-сонли раёсат мажлиси баёни ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг 2023 йил 29 сентябрдаги 438-сонли буйруғи асосида нашрга тавсия этилди.

ISBN 978-9910-9632-2-3

© Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари маркази, 2024 й.

КИРИШ

Бугунги кунда олий таълим тизимини янада ривожлантириш ва халқаро стандартлар асосида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш мақсадида таълим жараёнига инновацион технологиялар татбиқ этилмоқда. Айниқса, таълим жараёнининг узвий қисми бўлган ахборот-ресурс марказлари фаолиятига замонавий инновацион технологияларнинг жорий этилиши қувонарли ҳолдир. Таълим муҳитининг асосий ахборот манбаси ахборот-ресурс марказлари бўлиб, у ерда босма ва электрон шаклда маълумотларни тўплаш, сақлаш ва улардан самарали фойдаланиш жараёнлари ташкил этилади.

Олий таълим муассасаси ахборот-ресурс маркази таълим даргоҳининг энг гавжум асосий жамоат жойларидан биридир. Ахборот-ресурс маркази олий таълим тизимидаги стратегик ўзгаришлар натижасида доимий ислоҳ этиладиган маскан ҳисобланади. Бугунги кунда ахборот-ресурс марказининг “омбор” сифатидаги модели ишламаяпти. Босма китобларнинг асосий маълумот манбаи сифатидаги роли йўқолиб, электрон ресурсларнинг ўрни ортиб бормоқда. Ахборот-ресурс маркази нафақат китоб ва китобхон ўртасидаги ўзаро муносабатларни ташкил этиш, балки таълим ва фан соҳасидаги янгиликлар ўртасида чуқур ва кўп қиррали алоқаларни ўрнатадиган маскан бўлиши лозим. У ерда фанлараро ҳамкорликка ёрдам берадиган ва инновациялар учун катализатор бўлиб хизмат қиладиган илмий муҳит бўлиши даркор.



Хориж олий таълим муассасалари ахборот-ресурс марказлари фаолияти ўрганилганда, унда яратилган шарт-шароитлар, таълимга оид турли хизматлар ўзининг жозибаси билан талабаларни жалб этмоқда. Талабалар бу имкониятлардан кечаю кундуз фойдаланишади.

Ўрганишларга кўра, бугунги кунда мамлакатимиздаги олий таълим муассасалари ахборот-ресурс марказларини такомиллаштириш, хизмат турларини кўпайтириш, автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизимлари ва RFID технологиялари билан таъминлаш ишлари мақтанарли даражада эмас.

Шу боисдан, ушбу методик қўлланмада хориж олий таълим муассасалари ахборот-ресурс марказлари фойдаланувчиларга яратилган шарт-шароитлар таҳлили, юртимиздаги давлат олий таълим муассасалари ахборот-ресурс марказлари имкониятлари ва муаммоларига атрофлича баён қилинган. Шунингдек, автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизимлари, RFID технологияларининг имкониятлари ва аҳамияти ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирилган.



Ўйлаймизки, қўлингиздаги мазкур методик қўлланма олий таълим жараёнида ахборот-ресурс марказлари фаолиятига инновацион технологияларни жалб қилиш, замонавий ахборот-кутубхона хизматини ташкил этишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Қўлланмадан олий таълим муассасалари раҳбар ходимлари, ахборот-ресурс марказлари масъуллари, шунингдек, профессор-ўқитувчилар, талабалар, докторантлар фойдаланишлари мумкин.

ДУНЁ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ АХБОРОТ-РЕСУРС МАРКАЗЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС АРХИТЕКТУРАСИ

Таълим соҳасининг ривожланиши натижасида олий таълим муассасалари ахборот-ресурс марказлари ҳам ўз фаолиятини такомиллаштириб, юқори технологияларга эга, талабалар ва профессор-ўқитувчиларининг ишлаши ва дам олишлари учун қулай масканга айланмоқда. Бунинг асосий сабаби замонавий университет ахборот-ресурс марказлари дизайн санъатининг ҳақиқий асарларига айланаётганлигидир.

Биз қуйида ривожланган давлатлардаги олий таълим муассасалари ахборот-ресурс марказлари дизайни ва унда яратилган шарт-шароитларни таҳлил этамиз.



Хельсинки университетининг “Кайса” бош кутубхонаси

Хельсинки университетининг “Кайса” бош кутубхонаси Финландиянинг энг катта илмий кутубхонаси ҳисобланади. “Кайса” бош кутубхонаси 2012 йилда очилган бўлса, дизайнини такомиллаштириш ишлари яна икки йил давом этган. Кутубхона биноси — янги кутубхона архитектурасининг намунавий шаклларидан бири бўлиб, Фин пойтахтининг ландшафтига мосдир.

Кутубхона лойиҳаси функционал дизайн тамойилларига асосланади. Бу шуни англатадики, бинонинг барча ички қисмлари ҳам “ишла-


ши” керак, яъни дизайнерларнинг фикрига кўра, интерьернинг ҳар бир қисми маълум бир вазифани ҳал қилади. Шу билан бирга, интерьерлар меҳмонга оғирлик қилмаслиги керак, ёруғлик иложи борича табиий, бўшлиқлар эса очиқ бўлиши лозим.

Кутубхона биносида ёлғизликни хоҳловчи китобхонлар учун махсус “тинч” ҳудудлар, ўйин-кулгиларни севувчилар учун биринчи қаватда кафе ва дўконлар, шунингдек, ушбу етти қаватли мажмуанинг томида кузатув майдончаси мавжуд.



Чикаго университети кутубхонаси (Чикаго, АҚШ)

Америкадаги энг катта университет кутубхоналаридан бирининг биноси экодизайн анъанаси асосида лойиҳалаштирилган. Кутубхона жойлари кундузги ёруғлик учун очиқ, бу эса электр энергиясидан тежамкор фойдаланиш имконини беради. Чикаго университетининг кутубхона майдонлари ўз қурилмасига кўра замонавий коворкинг ва конференция залларини кўпроқ эслатади. Бу ерда одатий китоб депозитарийлари йўқ, 5 миллиондан ортиқ китоблардан иборат фонд махсус жиҳозланган ер ости бункерида жойлашган. У ерда кутубхоначилар билан учрашиш қийин бўлиб, фонддан адабиётларни чиқариш робототехника ёрдамида автоматик равишда амалга оширилади.



Вена университети кутубхонаси (Вена, Австрия)

Вена университети кутубхонаси дунёдаги энг илғор ва юқори технологияларга эга кутубхоналардан бири ҳисобланади. Кутубхона мажмуасининг ташқи атрибутлари ва меъморий ечими ўзига хос усулда яратилган. Кутубхонанинг асосий биноси футуристик дизайн руҳида қурилган. Китобхонларга хизмат кўрсатиш тўлиқ рақамлаштирилган бўлиб, фондлар тўлиқ электрон форматга ўтказилган. Кутубхонанинг барча электрон ресурсларидан фойдаланиш бўйича платформалар ва мобиль дастурлар мавжуд.

Гарвард университетидаги Гарри Элкинс Уайденер кутубхонаси (Кембриж, АҚШ)

Бу АҚШнинг энг йирик ва машҳур кутубхоналаридан бири. Кутубхонага библиофил Гарри Элкинс Уайденер номи берилган. Уайденерлар пулига қурилган кутубхона вақт ўтиши билан Гарвард университети кампусининг марказий кутубхонасига айланди.



Уайденер кутубхонаси биносининг ташқи кўриниши диққатни ўзига жалб қилмайди, бироқ кутубхонанинг ички қурилиши эътиборга молик. Мажмуада бир нечта музей заллари мавжуд, шунингдек, конференция заллари, ўқиш ва дам олиш майдонлари, “тинч” иш ўринлари ва музокаралар хоналари мавжуд. Кутубхонанинг биринчи қаватида ёруғлик даражаси камайтирилган кафе, дам олиш зоналари ва диванлар мавжуд бўлиб, Гарвард талабалари ва меҳмонлари дам олишлари мумкин. Китобхонлар 3 миллиондан зиёд китоб ва электрон ресурсларни ўз ичига олган фондлардан эркин фойдаланиши мумкин.

Париж Сорбонна университети
(Париж, Франция)

Париж Сорбонна университети Франциядаги энг қадимги олий таълим ва машҳур давлат муассасаси ҳисобланади. У 1257 йилда ташкил этилган. 1470 йилда Сорбоннада биринчи Париж босмахонаси очилди. Алоҳида бино махсус қурилган энг бой кутубхонанинг яратилиши ҳам шу вақтга тўғри келади.

Бугунги кунда Сорбонна кутубхонасининг китоблар тўплами 2 миллион жилд ва катта ҳужжатлар архивидан иборат. Соат 14-00 дан кейин маърузалар тугагач, кутубхонага кириш учун навбатда туриш керак. Талабаларнинг университет кутубхонасига бўлган навбатни ҳар куни Сент-Женевев тепалигидан ҳам кўриш мумкин.

Ушбу машҳур навбатлар китоб учун соатлаб туришга одатланмаган хорижлик талабалар орасида доимий равишда муҳокама қилинади. Талабалар катта ҳажмдаги мустақил ишларни бажариш учун доимий равишда ўқув залларида банд бўладилар. Чунки улар кутубхонада ҳисобот ёзадилар, имтиҳонларга тайёргарлик кўришади.



Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлаш керакки, мамлакатимизда олий таълим муассасалари ахборот-ресурс марказларини қуриш ва жиҳозлашда илғор тажрибаларни инобатга олиш зарур ҳисобланади. Боиси, фан ва техника тараққий этган даврда кутубхоналарнинг миссияси ўзгармоқда, кутубхоначининг профессионал фаолиятида ҳам қоидалар янгиланишига эҳтиёж пайдо бўлмоқда. Энди ахборот-ресурс маркази фаолиятини баҳолашда тадбирлар миқдори, китобхонлар ва берилган китоблар сони каби кўрсаткичлар бош омил бўла олмайди. Шу боисдан бу ўзгаришлар кутубхоначидан анъанавий ахборт-кутубхона хизмати соҳасидаги билимлардан ташқари, замонавий техникалар билан ишлаш, илм-фанга оид янги билимларни ўзлаштириш малакасини ҳам талаб қилмоқда.

АХБОРОТ-КУТУБХОНА ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Британия университетлари кутубхоналари

Британия университетларида талабалар дарсликдан тайёр жавоб бериш ўрнига ўз нуқтаи назарини исботлаш маҳоратини ривожлантиришга ҳаракат қилади. Ўқув жараёнида мустақил иш маърузалари юқори баҳоланади. Шунинг учун Британиядаги замонавий университетлар кутубхонаси нафақат китоблар тўплами, балки ҳақиқий кўп функцияли ўқув маркази ҳисобланади. Университетларнинг нуфузи илмий ютуқлар, профессор-ўқитувчиларнинг илмий даражаси, таълим дастурларининг меҳнат бозори талабларига жавоб бериши ва албатта, битирувчиларнинг ютуқлари ҳамда уларнинг касбга тайёргарлик даражасидан иборат. Ўз талабаларининг максимал муваффақиятларга эришиши ва университет шон-шуҳратини кўпайтиришдан манфаатдор бўлган университетлар бунинг учун муносиб шароит яратишга интилишади.



Ҳар қандай университетда талабалар учун кўплаб бепул хизматлар мавжуд. Масалан, сиз вақтни бошқариш бўйича тренингларда қатнашишингиз, психолог маслаҳатини олишингиз, ҳужжатларни расмийлаштиришда ёрдам олишингиз, уй-жой топишингиз ёки йирик компанияларда амалиёт ўташингиз ва қўшимча равишда инглиз тилини ўрганишингиз мумкин. Бу хизматлар кутубхоналарда мавжуд бўлганлиги боис талабалар учун энг муҳим жой университет кутубхонаси ҳисобланади.

Ўқув тизими масъуллари талабалар кутубхонада ўқув аудиторияларидаги маърузалардан кам вақт ўтказмаслигини ва керакли маълумотларни ўзи қидиришини тахмин қилади. Шунинг учун университет кутубхоналари ва ўқиш заллари одатда эрта тонгдан кечгача, сессия давомида эса кечаю кундуз ишлайди. Университет тарихи ёки мақомидан қатъи назар, кутубхоналар ўз-ўзини бошқарадиган бутун бошли мажмуа ҳисобланади. Ўқиш залларига ўхшаш махсус "сукунат зоналари"да гаплашиш ва бошқа талабаларни безовта қилишнинг иложи йўқ. Бирон-бир шахсий иш ёки ухлаш учун кичик хоналар бор. Жамоавий лойиҳалар муҳокамаси учун доскалар, проекторли алоҳида хоналар ва жиҳозлар учун шкафлар мавжуд.

Китоблар ва илмий журналлар — университетларда ўқиш давомида ёрдам берадиган ягона восита эмас. Талабалар электрон нашрлар тўпламлари, дарсликларнинг онлайн нусхалари, бир нечта электрон кутубхоналар, маълумотлар базалари, газета ва журналларига бепул обуна бўлишлари мумкин. Буларнинг барчасидан фойдаланиш учун кутубхонада бўлиш шарт эмас, шунчаки университетингиз ёки коллежингиз веб-сайтида рўйхатдан ўтсангиз бас.

Агар университетда керакли китоб ёки нашр топилмаса, уни бошқа университет кутубхонасига буюртма қилиш мумкин. Университетлар кўпинча талабалар эҳтиёжларига мувофиқ кўпроқ китоб сотиб олишади. Шунинг учун китоблар тўплами эскирмайди ва тегишли адабиётлар билан тўлдирилади.

Кутубхона ходимлари тўғри манбаларни топишда ёрдам беришлари ёки диссертациядаги адабиётларнинг тўғри танланганлигини текшириб беришлари мумкин. Шунингдек, улар диссертациядаги иқтибослар ва манбалар рўйхатини умумий қабул қилинган стандартларга мувофиқ тўғри тартибга солишга ёрдам беради. Иқтибосдаги хатолар туфайли талабалар ўз ишлари учун очко йўқотишлари мумкин. Бунга йўл қўймаслик учун кутубхоналарда йилига бир неча марта махсус семинарлар ўтказилади. Талабалар тадқиқот иши дизайнини текшириш учун индивидуал консультацияга ёзилиши мумкин. Консультация давомида талабага электрон каталоглар ва маълумотлар базаларидан қандай фойдаланиш ўргатилади.

Университет кутубхоналари нафақат талабаларни зарур адабиётлар билан таъминлабгина қолмай, балки маданий-маърифий марказ вазифасини ҳам бажаради. Кутубхонага ташриф буюриш баъзан тарих музейига ташриф буюришдан кам эмас. Кутубхоналарда кўпинча ҳамма

учун кўргазмалар ёки маърузалар ўтказилади. Университетнинг китоблар тўпламидан нафақат талабалар, балки оддий меҳмонлар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Хитой университетлари кутубхоналари

Ахборот соҳасидаги технологик инқилоб инсоният цивилизациясининг бутун ривожланиш жараёнига улкан таъсир кўрсатди. Бу эса янги инновацион кутубхоналарни ташкил этиш учун катта имкониятларни очди. Ахборот технологияларининг ривожланиши кутубхоналарнинг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти, ахборот-кутубхона хизматини ташкил этишнинг асосий тамойиллари ҳақидаги фундаментал ғояларни қайта кўриб чиқишга олиб келди.

Хитойда сўнгги ўн йилликларда университетларда замонавий кутубхоналар жадал ривожланди ва уларнинг вазифалари, роли ва аҳамияти қайта кўриб чиқилди. Шу сабабли бугунги кунда Хитой университетлари кутубхоналари тез ривожланмоқда.



Пекин университети кутубхонаси (Пекин, Хитой)

Хитой университетларининг жадал ривожланиши натижасида сўнгги йилларда кутубхоналарга сармоялар кўпайди. Университетлар кутубхоналарини компьютерлаштириш ва телекоммуникация воситалари асосида кутубхона жараёнларини автоматлаштириш босқичма-босқич амалга оширилди. Кутубхоналарнинг ахборот салоҳияти янги ахборот технологиялари орқали мустаҳкамланди, электрон каталог ва маълу-

мотлар базалари яратилди. Китобхонлар супермаркетга киргандай кутубхонага киришади ва китобларни эркин танлашади. Янги шароитда кутубхоналар таълим ва фан, маданиятнинг асоси ҳисобланади. Университет кутубхоначиси ёш талабага маълумотларни излаш, қайта ишлаш ва ўзлаштириш усулларини ўрганишда, ўз ўзини тарбиялаш жараёнларини ташкил қилиш ва интеллектуал иш техникасини ўзлаштиришида ёрдам беради.



Хитой университетлари кутубхоналарининг рақамлаштирилиши ва тўлиқ матнли электрон маълумотлар базаларининг мавжудлиги нафақат кутубхоначига, балки китобхонларга ҳам ёрдам бермоқда. Масалан, бутун Хитой даврий нашрларининг тўлиқ матнли электрон маълумотлар базалари, докторлик диссертацияларининг тўлиқ матнли маълумотлар базалари китобхонларга қулай ва тезкор маълумот беради. Университетларнинг деярли барча кутубхоналарида турли хил йўналишдаги тўлиқ матнли электрон маълумотлар базалари мавжуд, баъзи университетларда юз-икки юздан ортиқ электрон маълумотлар базалари мавжуд. Анъанавий кутубхоналарда китобхонлар тўғри маълумотни топиш учун баъзан ойлар давомида юзлаб китобларни варақлайдилар ва улар кўпинча кўп вақтларини беҳуда сарфлайдилар. Замонавий кутубхоналар китобхонни бу вазиятдан озод қилди. Электрон ахборот қидирув тизими бундай сўровларга бир неча дақиқада жавоб бера олади.

Шу билан бирга, университетлар кутубхоналари талабаларнинг бўш вақтини маданий, маънавий-маърифий дастурларга йўналтиришга ҳаракат қилади. Масалан, кутубхоналар билимлар танлови, семинарлар ва ҳоказоларни ташкил қилади. Бунинг натижасида талабалар аста-секин кутубхона ўқиш ва яшаш учун ёқимли жой эканлигига кўникишади. Кўпгина университетларда замонавий кутубхонадан фойдаланиш бўйича танлов дарслари мавжуд.

ИННОВАЦИОН КУТУБХОНАЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН АХБОРОТ-КУТУБХОНА ТИЗИМЛАРИНИНГ ЎРНИ

Таълим сифатини ошириш, талаба ёшларнинг етарли билим олишини таъминлашда ахборот-ресурс марказларининг ўрни катта бўлиб, соҳани рақамлаштириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Ахборот-ресурс марказларида ахборотларни йиғиш, ишлов бериш, сақлаш, қидириш ва истеъмолчиларга етказиб беришга замонавий телекоммуникация технологияларни қўллаш самарали натижалар беради.

Жаҳон тажрибасини ўрганар эканмиз, ривожланган давлатлар олий таълим муассасаларида замонавий автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизимларидан фойдаланиш кўрсаткичлари жуда юқори. Бу тизимлар орқали фойдаланувчилар (талабалар, профессор-ўқитувчилар, тадқиқотчилар ва бошқалар)га қулай, сифатли ва тезкор ахборот-кутубхона хизмати кўрсатилмоқда. Автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизими — бу илғор технологиялар асосида ахборот-кутубхона хизматларини тақдим этадиган, халқаро стандартларга жавоб берувчи замонавий дастурий ва техник воситалари билан жиҳозланган тизим ҳисобланади.

Ахборот-ресурс марказлари учун автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизимларини ишлаб чиқиш ривожланган давлатларда йирик компаниялар томонидан амалга оширилади. Бундай компанияларнинг энг ривожланганлари **Innovative Interfaces, Exlibris** ҳисобланди. Бундан ташқари, **Homi, Sierra LSP, Polaris ILS, Alma, Aleph, Virtual, Voyager** каби компаниялар томонидан ҳам автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизимлари ишлаб чиқилмоқда.




Введите логин и пароль доступа

Логин: 111 Пароль: ••• ВОЙТИ

Войти как Гость

Для тестирования различных прав доступа предлагается следующий набор учетных записей:

Логин	Пароль
111	111
222	222
333	333
444	444
555	555
666	666
777	777
888	888
999	999



Ҳозирги вақтда МДҲ давлатларида, жумладан, Россия Федерацияси олий таълим муассасаларида ИРБИС 64+, МЕГАПРО, РУСЛАН, МАРК-SQL, Беларусь Республикаси олий таълим муассасаларида МАРК-SQL, “ALIS WEB” ва ИРБИС 64+, Қозоғистон Республикаси олий таълим муассасаларида РАБИС, ИРБИС 64+, КАБИС каби автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизимларидан фойдаланилмоқда.

Автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизими — ахборот-ресурс марказидаги ахборот-кутубхона фаолиятига оид жараёнларни махсус дастур асосида амалга ошириладиган автоматик тизим.

Автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизимининг асосий вазифалари:

— кутубхонадаги барча китоблар, журналлар ва бошқа ҳужжатларни тўла қайд қилиш;

— классификатор бўйича индекслар қўйиш;

— библиографик қидириш;

— танлаб олинган китобларнинг рефератларини кўриб чиқиш;

— кутубхонага аъзо бўлганларни рўйхатга олиш;

— буюртмаларни рўйхатлаштириш;

— каталог ва карточкаларни ҳамда қайта рўйхатга олиш варақаларини босмадан чиқариш;

— китобларни абонентларга бериш ва қабул қилишни қайд қилиш, муддатларни чўзиб бериш;

— молиявий ҳисоботлар;

— янги китобларни рўйхатга олиш ва ҳолатини кузатиш;

— марказлаштирилган буюртмалар бериш;

— кутубхонага тушган ҳужжатларни доимо кузатиб бориш.

Бугунги кунда кутубхона фаолиятига ахборот технологияларини жалб этилиши натижасида китобхонларга электрон ва онлайн ахборот-кутубхона хизмати сифати тобора ортиб бормоқда.

ИННОВАЦИОН КУТУБХОНАЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА RFID ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ АҲАМИЯТИ


Йилдан йилга талабалар сонининг ошиб бориши, ахборот-ресурс марказларига бўлган эҳтиёжнинг ошиб бориши натижасида кутубхоналарни бошқариш, янги китобларни фондларга кирим қилиш, ҳисобини юритиш ва китобхонларга замонавий ахборот-кутубхона хизматини кўрсатиш мураккаб вазифага айланиши мумкин. RFID технологияси ахборот-ресурс марказларига ўз фондларини бошқариш ва мурожаатларни самарали кузатиб бориш ҳамда бошқариш учун мазкур жараённи оқилона ташкил қиладиган ечимни таклиф этади.

Аммо бу қандай ишлайди? Унинг афзалликлари нимада? Ушбу қўлланмада RFIDнинг асосий технологиялари ва кутубхоналар учун унинг афзаллик жиҳатлари кўриб чиқилади.

RFID ахборот-ресурс марказларида қандай ишлайди?

RFID ёки радиочастотани идентификациялаш орқали маълумотни узатиш учун радиотўлқинларни чиқарадиган майда микрочиплардан фойдаланади. Ушбу чиплар ёрлиқларга ўрнатилган бўлиб, уларни китоблар, DVD-дисклар ва ноутбуклар сингари кутубхона китобларига ҳам ўрнатиш мумкин.

Ушбу ёрлиқларни жойлаштиришдан олдин кутубхона ўзининг барча китобларининг электрон базасини яратиши ва ҳар бир унсурга уникал идентификатор белгилаши лозим. Сўнгра ушбу идентификатор RFID ёрлиқларида кодлаштирилади.



Кодлаштириш жараёни ҳал қилувчи аҳамиятга эга, чунки бу тўғри ахборот ҳар бир унсур билан боғлиқ эканлигини кафолатлайди. Ушбу босқичдаги хато кутубхона китоб фондларини нотўғри кузатиш ва бошқаришга олиб келади.


Кодлаштирилганидан сўнг RFID ёрлиқлар сканер ёки антенна томонидан ўқилиши мумкин. Бу кутубхоначиларга қўлда текширишни талаб қилмасдан китобларнинг жойлашуви ва айланиш ҳолатини тезда сканерлаш ва кузатиш имконини беради. Ҳар сафар китобхон RFID ёрлиқларига эга китобни текшириб кўрганда сканер электрон маълумотлар базасида турган китобнинг мавқеини автоматик тарзда янгилаб боради, бу ҳисобга олиш жараёнида вақтни тежабгина қолмасдан инсон йўл қўйиши мумкин бўлган хатолар эҳтимолини ҳам камайтиради.

Фондларни бошқариш учун RFID

Китобларни кирим қилиш ва уларнинг китобхонларга берилишини кузатиб боришдан ташқари, RFID технологияси фондларни бошқариш жараёнини ҳам енгиллаштириши мумкин. Оддий сканер қилиш воситасида кутубхоначилар китобларнинг кутубхонада турган жойи ва кўчишини осонлик билан кузатиб бориши мумкин.

Бунинг учун кутубхоначига китоблардаги RFID ёрлиқларини сканер қилиш учун RFID портатив ҳисоблагичи керак бўлади. Сўнгра улар ҳар бир китобнинг турган жойини аниқ кузатиб бориши учун китоб жавонлари ва омборхоналарни сканерлашади. Бу жараён китобларни жавонлардан қўлда қидиришдан кўра анча тезроқ ва самаралироқдир.

Бундан ташқари, мазкур иш анъанавий штрих-код тизимидан жадалроқдир. Чунки бу нарсага қўл текказишни талаб қилмайди ҳамда бир неча ёрлиқларни бир вақтнинг ўзида ҳисоблаб чиқиши мумкин. Боз устига, сизга бевосита кўз билан кўриб туришингиз керак эмас, чунки RFID ҳатто тахламлар ёки қутиларнинг ичидаги ёрлиқларни ҳисоблаб чиқа олади.



Хавфсизлик учун RFID

Кутубхонада китобларининг йўқолиши кенг тарқалган ва молиявий зарар кўришга олиб келадиган муаммодир. Шунингдек, бу йўқолган китобни сақлаб турган китобхонларга нисбатан ноқулайлик туғдириши мумкин.

Бу технология эҳтимолий ўғриликларнинг олдини олади ва етишмаётган нарсалари тез топишга ёрдам беради. RFID технологияси йўқотишлар ва ўғирликларнинг олдини олишга янада батафсилроқ ёндашиш учун CCTV сингари хавфсизлик тизимларига бирлаштирилиши ҳам мумкин.


Кутубхоналарда RFIDнинг афзалликлари

RFID кутубхоналарни бошқариш тизими бўлиб, кутубхоналарга кўплаб қулайликлар олиб келди, шу жумладан:

Тез ва қулай тўлов/рўйхатдан ўтиш

Технологиялар ривожланиши билан китобхонлар кўпинча янада тезроқ ва қулайроқ хизмат кўрсатилишига умид қилишади. RFID технологияси рўйхатдан ўтиш ва буюртмани расмийлаштириш жараёнини жадаллаштириш имконини беради, бу китобхонларнинг розилигини кучайтиради.

Бу технология қўлда бирон-бир иш қилмасдан электрон базани автоматик тарзда янгилаган ҳолда, китобхон китобни қачон қайтаришини белгилайди. Бу ҳам ходимлар, ҳам китобхонларнинг вақтини тежайди ва янада самаралироқ ишлашга имкон яратади.



Фондларни яхшиланган тарзда бошқариш

Китобларнинг умумий фондини ҳисоблашни қўлда бажариш кўп вақт олади ва бунда инсон томонидан хатоларга йўл қўйилиш эҳтимоллари мавжуд. Шунингдек, китобларни излаш учун жавонлар орасида машаққатли бўлган жисмоний ҳаракатларни бажаришни талаб қилади.



RFID технологиялари фондларни бирлаштириш ва янада самаралироқ бошқаришга имкон беради. RFID портатив ҳисоблагичи ёрдамида кутубхоначилар умумий аниқлик ва унумдорликни оширган ҳолда, китоблар турган жойни ва уларнинг ҳаракатини тез ҳамда осонлик билан кузатиб туришлари мумкин.

Китобхонларга яхшироқ хизмат кўрсатиш

Олий таълим муассасалари талабаларни китоблар ва ахборотга тезлик билан кира олиш имкониятидан манфаатдор. Кутубхоначилар уларга изланаётган китобни топиш учун ёрдам кўрсатишга ҳозир бўлишлари лозим.

RFID технологияси кутубхоначиларга китобхонларга сифатли хизмат кўрсатиш имконини беради. Яъни ташриф буюрувчилар билан кўпроқ мулоқот қилиш ва уларга сифатли кутубхона хизматини тақдим этиш учун кўпроқ вақт сарфлаш имконини беради.

Китобхонларга бундай юксак эътибор уларнинг розилиги ва садоқатининг ортишига олиб келиши мумкин. Бу эса кутубхона жамоаси учун қадрли вазифа бўлиб қолишини кафолатлайди.



Ишчи муҳитдаги вазият

RFID технологиялари китобхонларнинг розилигини орттиришдан ташқари, кутубхона ходимларига ҳам фойда келтириши мумкин. Технология уларнинг иш жараёнларини оптималлаштиради ҳамда уларга мижозларга хизмат кўрсатишни яхшилаш ёки касбий ривожланиш учун имкониятлар қидиришга вақт топишга ёрдам беради. Бу янада тўлақонли иш муҳитини яратишга ва кутубхоначиларнинг ишларидан қониқиш ортишига олиб келиши мумкин.

Бундан ташқари, кутубхоначилар қўлда бажариладиган маъмурий вазифаларга банд бўлиб қолиш ўрнига танқидий тафаккур ва ижодкорликнинг янада юксак даражасини талаб қилувчи вазифаларга кўпроқ вақт сарфлашлари мумкин бўлади. Бу эса уларга ўз олий таълим даргоҳига яхшироқ хизмат кўрсатиш ва муассаса сифатидаги кутубхонанинг юксалишига имкон яратади.

Олий таълим муассасалари ахборот-ресурс марказларини RFID қурилмалари билан таъминлаш даражалари

Даража	Дастурий ва техник воситалар	Функционал имкониятлари
Минимал (1-босқич)	Дастурий комплекс (Автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизими — ААКТ) RFID — ёрлиқлар (микрочиплар) Кутубхона фондини микрочиплаш ва RFID ёрлиқларни дастурловчи қурилма (RFID сканер) Адабиётларни бериш ва қабул қилиш қурилмаси Китобхон электрон ID картаси	Ахборотларни каталоглаштириш, қидириш, узатиш ва бошқа кутубхона жараёнларини автоматлаштириш RFID ёрлиқлари асосида адабиётларни идентификация қилиш Китобхонларни идентификациялаш. Масофадан адабиётга буюртмани қабул қилиш Кутубхона фондидан фойдаланиш бўйича статистик маълумотларни шакллантиришни автоматлаштириш
Ўртача (2-босқич)	Дастурий комплекс (ААКТ) RFID — ёрлиқлар (микрочиплар) Кутубхона фондини микрочиплаш ва RFID ёрлиқларни дастурловчи қурилма (RFID сканер) Адабиётларни бериш ва қабул қилиш қурилмаси Китобхон электрон ID картаси Фондни инвентаризация қилиш портатив қурилмаси Ўғриликка қарши тизим (RFID портал) Китобхонлар оқимини ҳисоблаш Мустақил китоб олиш станцияси (ўз-ўзига хизмат кўрсатиш)	Ахборотларни каталоглаштириш, қидириш, узатиш ва бошқа кутубхона жараёнларини автоматлаштириш RFID ёрлиқлари асосида адабиётларни идентификация қилиш Китобхонларни идентификациялаш Масофадан адабиётга буюртмани қабул қилиш Кутубхона фондидан фойдаланиш бўйича статистик маълумотларни шакллантиришни автоматлаштириш Адабиётларни ҳисобга олиш, инвентаризация қилиш жараёнини автоматлаштириш Китобларни ўғирликдан ва тасодифий олиб чиқиб кетишдан ҳимоя қилиш Ҳисоблаш тизимлари ёрдамида китобхонлар оқимини баҳолаш АРМ очиқ фондларида китобни мустақил олиш ва қайтариш жараёнларини автоматлаштириш

Максимал (3-босқич)	Дастурий комплекс (ААКТ) RFID — ёрлиқлар (микрочиплар) Кутубхона фондини микрочиплаш ва RFID ёрлиқларни дастурловчи қурилма (RFID сканер) Адабиётларни бериш ва қабул қилиш қурилмаси Китобхон электрон ID картаси Фондни инвентаризация қилиш портатив қурилмаси Ўғриликка қарши тизим (RFID портал) Китобхонлар оқимини ҳисоблаш Мустақил китоб олиш станциялари Китобларни мустақил қайтариш станциялари Китобларни банд қилиш тизими Ақлли жавонлар	Ахборотларни каталоглаштириш, қидириш, узатиш ва бошқа кутубхона жараёнларини автоматлаштириш RFID ёрлиқлари асосида адабиётларни идентификация қилиш Китобхонларни идентификациялаш Масофадан адабиётга буюртмани қабул қилиш Кутубхона фондидан фойдаланиш бўйича статистик маълумотларни шакллантиришни автоматлаштириш Адабиётларни ҳисобга олиш, инвентаризация қилиш жараёнини автоматлаштириш Китобларни ўғирликдан ва тасодифий олиб чиқиб кетишдан ҳимоя қилиш Ҳисоблаш тизимлари ёрдамида китобхонлар оқимини баҳолаш АРМ очиқ фондларида китобни мустақил олиш ва қайтариш (ўз-ўзига хизмат) жараёнларини автоматлаштириш АРМдан ташқарида китобларни исталган вақтда қайтариш жараёнини автоматлаштириш (АРМ биносига кирмасдан қайтариш (24/7 режим) Онлайн буюртма қилинган китобларни банд қилиш тизими ёрдамида исталган вақтда олиш (24/7 режим)

RFID қурилмалари

(ҳар бир ОТМ учун)

№	Фото	Номи ва хусусиятлари
1-БОСҚИЧ. ФОНДНИ МАРКИРОВКА ҚИЛИШ — КИТОБ БЕРИШ/ҚАЙТАРИШ		
1		UniBook M8050/00N Китоблар учун ёрлиқ - Формати: 50x80 мм, махсус ёпишқоқ ёрлиқ - Ўқиш масофаси 1,5 метргача (ўқувчи қурилмага нисбатан) - EAS, AFI, хатоликка қарши - Стандарт ISO 15693 - Частотаси 13,56МГц - Қайта ёзиш цикли 100 000 марта
2		UniBook Shielded HF экранлаштирилган китоб ўқиш қурилмаси - Стандарт ISO 15693/ ISO 14443/ ISO 28560/ ISO 14443A/B - Ўқиш масофаси 200 мм ISO 15693 учун, 50 мм ISO 14443 учун - 5 томондан экранлашган мослама. Ёрлиқ фақат юза қисмида ўқилади - Частотаси 13,56 МГц - Оғирлиги 1405 г - Ўлчамлари (У х Б х Э) 250 х 350 х 30 мм
3		UniBook HF Reader (S) RFID ёрлиқларни ўқиш стол ридери - Стандартлар ISO 15693/ ISO 28560/ ISO 14443A/B - ОТ Windows 98/ME/2000/XP/Vista/CE, Linux - Ўлчамлари (УхБхЭ) 84x144x18 мм
4		IDlogic Tagservice дастурий таъминоти, лицензия - RFID меткаларни ўқиш - Ёрлиқларни дастурлаш - Ёрлиқларга маълумот ёзиш ва гуруҳли амалларни бажариш - АКТ билан осон интеграция қилиш

№	Фото	Номи ва хусусиятлари
2-БОСҚИЧ. ХАВФСИЗЛИК ТИЗИМИ — ИНВЕНТАРИЗАЦИЯ		
5		UniBook HF инвентаризация қурилмаси - RFID-стандартлар: ISO 15693, 18000 - 3 - ШК билан алоқа: WIFi, Bluetooth - Частотаси: 13,56 МГц - Қувват манбаи — қувватланадиган аккумулятор ўлчамлари 568,8 x 111,8 x 40,2 мм - Оғирлиги: 348 г
6		IDlogic Mobile дастурий таъминоти, лицензия - Фондни тез ва аниқ инвентаризация қилиш - АКАТ билан интеграция - Онлайн и офлайн инвентаризация - Жавонларда адабиётларни қидириш
7		UniBook Defender RFID хавфсизлик тизими (Master&Slave), комплект - Антенналар масофаси: 180 см; - Протоколлар: SIP2, AFI и EAS; - Частотаси: 13,56 МГц - Китобхонлар ташрифини ҳисоблаш тизими. - RFID-стандартлар: ISO 15693 (SLIX-SLIX 2) - Ўлчамлари: 100 x 660 x 1800 мм - Бир антенна оғирлиги: 15 кг - Сигнал тури: ёрқин қизил рангли ёритгичлар ва овозли сигнал
3-БОСҚИЧ. МУСТАҚИЛ КИТОБ ОЛИШ ВА ҚАЙТАРИШ ТЕРМИНАЛАРИ — 24/7 РЕЖИМДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ		
8		UniBook MINI HF мустақил китоб олиш терминали - RFID-стандартлари: ISO14443 A/B, ISO 15693 - Монитор: 24 дюйм, сенсорли - Ўлчамлари: 660x1186x640 мм - Оғирлиги: 22 кг

№	Фото	Номи ва хусусиятлари
9		IDlogic Interactive Terminal дастурий таъминоти, лицензия - Очиқ фондда фойдаланувчилар учун мустақил хизмат кўрсатиш - Китобларни мустақил олиш ва қайтариш - Шахсий кабинет амаллари - Эслатма чекларини чоп этиш принтери
Китобхонлик картаси (Агарда ОТМда мавжуд бўлмаса)		
10		Пластик карта, стандарт Mifare 1K - Карта ўлчами: 86 x 54 x 0,8 мм - Ўқиш масофаси: 2,5 см дан 10 см гача (қурилмага нисбатан) - Стандарт: ISO/IEC 14443 A / ISO9001: 2008 - Чип: FM11RF08

Олий таълим муассасасининг талабидан келиб чиққан ҳолда, юқоридаги жадвалда кўрсатилган жиҳозлар сони ва таркибига ўзгартириш киритилиши мумкин. Ҳар бир олий таълим муассасаси ўзи учун босқичма-босқич ўрнатиш тартибини танлаш имкониятини кўриб чиқа олади.

Таҳлил

Мамлакатимиздаги давлат олий таълим муассасалари ахборот-ресурс марказларини автоматлаштириш ва RFID технологиялари билан таъминланиши ҳолати.

Мамлакатимизда олий таълим соҳасидаги ислоҳотлар натижасида ўтган 7 йил мобайнида олий ўқув юртлари сони 77 тадан 210 тага етди. Натижада, давлат олийгоҳлари 114 тага, нодавлат олий ўқув юртлари 65 тага, хорижий олийгоҳлар эса 30 тани ташкил этмоқда. Таълим жараёнини ташкиллаштириш, юқори малакали кадрлар тайёрлашда ахборот-ресурс марказларининг ўрни муҳим бўлиб, айниқса, олий таълимга кредит-модуль тизими жорий этилганидан сўнг ахборот-кутубхона муассасаларига бўлган талаб ва эҳтиёж тобора ортиб бормоқда.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида олий таълим тизими ахборот-кутубхона соҳасига ИРБИС, LIBEKA каби автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизимлари кириб келди. Юртимиз олимлари томонидан АРМАТ, КАРМАТ, КАДАТА ва АКВТ автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизимлари яратилди. Аммо ҳозирги вақтда АРМАТ, КАРМАТ ва КАДАТА автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизимларининг доимий техник таъминот тизими йўқлиги сабабли улар деярли ишламаяпти.

Ўрганишларга кўра, бугунги кунда республикамиздаги 75 та давлат олий таълим муассасалари ахборот-ресурс марказларига автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизими ўрнатилган (1-жадвал) бўлиб, бироқ 47 та олий таълим муассасасидаги автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизимининг техник таъминот фаолияти тўхтаган, 7 та олий таълим муассасасидаги автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизими эскирган.

Шунингдек, 39 та олий таълим муассасасида ҳеч қандай автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизими мавжуд эмас.

1-жадвал

№	Автоматлаштирилган кутубхона тизими	Фойдаланаётган ОТМлар сони	Изоҳ
1.	ARMAT	14	Техник таъминот тизими тўхтаган.
2.	ARMAT++	28	Техник таъминот тизими тўхтаган.

3.	ИРБИС 32	7	Автоматлаштирилган кутубхона тизими эскирган.
4.	ИРБИС 64+	11	Замонавий ва доимий таъминот тизимига эга.
5.	AKBT	4	Янги миллий тизим, такомиллаштирилиши зарур.
6.	KARMAT	3	Техник таъминот тизими тўхтаган.
7.	UNIWORK	1	Техник таъминот тизими мавжуд.
8.	KADATA	1	Техник таъминот тизими тўхтаган.
9.	LIBEKA	1	Техник таъминот тизими тўхтаган.

2021-2022 йиллар давомида 9 та давлат олий таълим муассасаси томонидан ахборот-ресурс марказларини автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизими билан таъминлаш мақсадида (Тошкент давлат транспорт университети, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети, Геология фанлари университети, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети, Тошкент давлат техника университети, "Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти" миллий тадқиқот университети, Тошкент давлат стоматология институти, Тошкент фармацевтика институти ва Тошкент молия институти) ИРБИС 64+ тизими харид қилинди. Бироқ қолган олий таълим муассасалари томонидан замонавий автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизимлари харид қилинмаган.

Ҳозирги вақтда давлат олий таълим муассасалари ахборот-ресурс марказларини автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизими билан тўлиқ таъминланмаганлиги сабабли тизимида ахборот-кутубхона хизматини кўрсатиш соҳасида бир қатор муаммолар сақланиб қолмоқда:

– ахборот-ресурс марказларида барча китоблар, журналлар ва бошқа ҳужжатларни қайд қилиш, кутубхонага аъзо бўлганларни рўйхатга олиш, буюртмаларни рўйхатлаштириш, молиявий ҳисоботлар, янги китобларни рўйхатга олиш каби ишлар эскича қоғоз (турли журналларга расмийлаштириш) усулида юритилмоқда;

– адабиётларга классификатор бўйича индекслар қўйиш;

– библиографик қидириш, йиғма электрон каталогларни яратиш имконияти мавжуд эмас;

– факультетлар, ўқув бинолари ва талабалар турар жойларидаги кутубхоналар билан ички алоқа тизими мавжуд эмас.

Таҳлилларга кўра, бир йил давомида давлат олий таълим муассасалари ахборот-ресурс марказларида юритилаётган қоғоз ҳужжатлари учун ўрта ҳисобда 3 млрд. сўмдан ортиқ маблағ (2-жадвал) сарфланмоқда.

2-жадвал

Давлат олий таълим муассасалари Ахборот-ресурс марказлари томонидан зарур бўлган ҳужжатлар хариди учун бир йиллик харажатлар МИҚДОРИ

№	АРМда юритилаётган ҳужжатлар тури	Йиллик эҳтиёж (битта ОТМ учун)	Нархи (дона)	Ҳужжатлар сони	Жами суммаси (сўм)
1.	Жамлама китоби	1	20 000	114	2 280 000
2.	Инвертар китоби	4	45 000	456	20 520 000
3.	Йўқолган ва ўрнига қабул қилинган адабиётларни қайд этиш китоби	1	18 000	114	2 052 000
4.	Китобхонларни ҳисобга олиш дафтари	20	20 000	2 280	45 600 000
5.	Китоблар учун чўнтакча	3000	300	342 000	102 600 000
6.	Китоб формуляри	3000	300	342 000	102 600 000
7.	Каталог карточкаси	9000	1 500	1 026 000	1 539 000 000

8.	Китобхон формуляри	Ҳар бир фойдаланувчи учун 1 донадан	1000	1200 000	1 200 000 000
Жами					3 014 652 000

Бундан ташқари, ҳозирда айрим давлат олий таълим муассасалари ахборот-ресурс марказларига RFID технологияларни ўрнатган ҳамда талабалар, тадқиқотчилар ва профессор-ўқитувчилар сифатли кутубхона хизматидан фойдаланишмоқда. Маълумот учун: Геология фанлари университети ва Тошкент молия институтларида RFID технологиялари ўрнатилган.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда, олий таълим тизимида таълим сифатини таъминлаш, талабалар, тадқиқотчилар ва профессор-ўқитувчиларга қулай ва сифатли замонавий ахборот-кутубхона хизматларини кўрсатиш, инновацион кутубхоналарни ташкил этиш мақсадида ахборот-ресурс марказларини замонавий автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизимлари ва RFID технологиялари билан таъминлашимиз зарур.

ХУЛОСА

Таълимнинг шахс, жамият ва давлат ҳаётида тутган роли ҳақида узоқ гапиришнинг ҳожати йўқ. Бу хусусида бутун инсониятнинг теран фикр соҳиблари — давлат ва жамоат арбоблари, илм-фан намояндалари ва ҳатто оддий одамлар ҳам якдил ва тугал хулосага келиб бўлишган. Айниқса, глобаллашув даври бўлган XXI асрда миллатнинг бугуни ва порлоқ келажагини таъминлашда таълимнинг ўрни янада ортди. Истиқболни таълимсиз қуриб бўлмайди. Агар у ёки бу мамлакат ҳозирда ва келгусида бирор иқтисодий ва ижтимоий инқироз ёки бошқа турдаги таназзулга юз тутса, бу таълимнинг инқирози ёки таълим инқирозининг маҳсули сифатида қаралади.

Кейинги йилларда олий таълим тизимига нодавлат секторнинг, шунингдек, кўплаб хорижий олий ўқув юртлари ва филиалларининг кириб келиши ижобий ҳолат бўлди. Бу бир жиҳатдан, олий таълимнинг қамровини кенгайтирса, иккинчидан, давлат ва нодавлат таълим муассасалари ўртасида ижобий маънодаги ўзаро рақобатни таъминлаб, тизимда бозор қонунлари ишлашини бошлаб берди. Шунингдек, олий таълим муассасаларига академик ва молиявий мустақиллик берилиши олий таълим муассасаларини ўзгарувчан меҳнат бозори талабларига мос равишда кадрлар тайёрлашни талаб қилмоқда.

Шу боисдан, ҳозирги вақтда ёшларда таълим-тарбия беришда замонавий имкониятларга эга олий таълим муассасаларига бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Сифатли ўқув жараёнини ташкил этишда ахборот-ресурс марказлари асосий ўринни эгаллаши сабабли давлат олий таълим муассасаларида инновацион ахборот технологияларига эга кутубхоналарни ташкил этиш ва ундан самарали фойдаланишни ташкил этиш зарур.

Боиси, талабалар таълим хизматининг асосий истеъмолчиси ҳисобланади. Улар бу хизмат учун ҳақ тўлаяптими, демак, олий таълим муассасаси, ўз навбатида, етарли шарт-шароитларни яратиб бериши зарур.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлашимиз зарурки, бугунги тезкор ва шиддатли тараққиёт даврида юксак салоҳияти мутахассисларни тайёрлаш учун инновацион ахборот-ресурс марказларини ташкил этиш, уларни зарур ўқув ва илмий адабиётлар билан таъминлаш олий таълим муассасалари олдидаги долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

МУНДАРИЖА

Кириш 3
Дунё олий таълим муассасалари ахборот-ресурс марказларининг ўзига хос архитектураси 5
Ахборот-кутубхона фаолиятини ташкил этишда хориж тажрибаси 10
Инновацион кутубхоналарни ташкил этишда автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизимларининг ўрни 14
Инновацион кутубхоналарни ташкил этишда RFID технологиясининг аҳамияти 16
Илова 21
Таҳлил 26
Хулоса 30

Услубий нашр

ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШДА
ИННОВАЦИОН КУТУБХОНАЛАРНИНГ
АҲАМИЯТИ

Методик қўлланма

Муҳаррир:
Ҳ. Закирова

Техник муҳаррир:
Ш. Бекназаров

Бадиий муҳаррир:
З. Шоимов

Мусаҳҳиҳа:
Д. Бекназарова

Дизайнер:
Ф. Қўзиев

Наш.лиц. Тасдиқнома: 050532, 27.11.2022 й.
Теришга 01.11.2023 йилда берилди. Босишга 04.12.2023 йилда рухсат этилди.
Бичими: 84x108 1/32. Офсет босма. “Pragmatica” гарнитураси.
Шартли б.т. 2.64. Нашр б.т. 2.0.
Адади 500 нусха. Буюртма № OV-06.
Баҳоси шартнома асосида.
“Yetakchi nashriyoti”, 100190, Тошкент шаҳри,
Олмазор тумани, Бешқўрғон, 2-мавзеси, 9-уй 87-хонадон.
e-mail: yetakchi_nash@mail.
“Mehr-nuri nashriyoti” УК босмахонасида чоп этилди.
Олмазор тумани, Бешқўрғон, 2-мавзеси, 9-уй 87-хонадон.
Телефон: +99890 394-10-65

Таълим сифатини

оширишда инновацион кутубхоналарнинг аҳамияти

ISBN 978-9910-9632-2-3